

39-боб. Мавло «Мен фалончиданман» дейдими?



17:10 / 02.05.2019 2721

Аслида «маvlo» деган сўзнинг таржимаси «хўжайин», «валий» деган маънога яқиндир. Яъни хўжайин қулини эркалаб, унинг қадрини кўтариб, «хўжайиним», деб чақиради. Шунингдек, бунга «валаа» деган сўз ҳам қўшилади.

«Мавло» дегани ушбу нарсалардан келиб чиқиб, икки хил маънода ишлатилади:

Биринчиси – бир оиланинг озод қилган қули. Уни «озод қилинган қул» дема сдан, «маvlo» дейилади.

Иккинчи маънодаги «маvlo» сўзи Исломни тарқатган араб қабиласи билан улардан Исломни ўрганган ерлик халқлар дўст тутиниб, оилалар билан дўстлашишини ифодалайди.

Ушбу бобда: қул ўзини озод қилган оилага нисбат бериб, «Мен фалон оиладанман», деса бўладими ёки юқоридагидек, дўст тутинган оилалар бир-бирига нисбат бериб, «Биз фалончиданмиз», дейиши мумкинми, деган саволга жавоб берилади.

74. Абдурраҳмон ибн Абу Ҳабибдан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Умар менга:

«Сен кимлардансан?» деди.

«Тайми Тамиймданман», дедим.

«Ўзлариданми ёки мавлолариданми?» деди.

«Мавлоларидан», дедим.

«Ундай бўлса, «Мавлолариданман», десанг бўлмайдими?» деди».

Шарҳ: Ушбу ривоятда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу иштирокида бўлиб ўтган бир воқеа келтирилмоқда. Абдурраҳмон ибн Абу Ҳабиб деган киши ўзи билан Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу орасида бўлиб ўтган суҳбатни айтиб бермоқда.

Абдуллоҳ ибн Умар ундан: «Сен кимлардансан?», яъни қайси насабдансан, насабинг қаерга бориб тақалади, деб сўрабдилар. «Тайми Тамиймданман», дебди Ибн Абу Ҳабиб. Шунда у: «Тайми Тамиймнинг ўзиданмисан ё мавлолариданми?» деб сўрабди. «Мавлолариданман», деган жавобни эшитган Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу: «Бўлмаса, «Мавлолариданман», деб айтиб қўйгин-да», деган эканлар.

Демак, бир қавмнинг асл ўзидан бўлмаса, «уларданман» дейиш тўғри эмас экан, мавлоси бўлса, «Мен ўша қавмнинг мавлолариданман», деб айтиш яхши бўлар экан.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу бу кишининг хатоларини тўғрилаб, шундай деб айтишни ўргатганлар.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳининг оилалари ҳам Ямандан келган Жўъфа қабиласига мавло бўлган. Авваллари шундай одат бўлган. Шунинг учун имом Бухорийнинг насабларида Жўъфий деган сўз ҳам келишини айтиб ўтган эдик.

«Одоблар хазинаси» китобидан